

Фикҳ 199-дарс. Намозни энгил ўқиш лозим



18:20 / 01.09.2022 3710

نَعْنَعُ حَاتَّ آلِيَّ نَهْلَلُ لُؤْسَرَّ اِيْ هَلَلَاوْ : لَاقَ الْجَرَّ نَأْ هَنْعُ هَلَلَا يَضَرَّ دُوْعَسَمَّ يَبَّ اَنْع
هَلَلَا يَلْصَحْ هَلَلُ لُؤْسَرَّ تُيَّ اَرْ اَمَفْ . اَنْبَلُّ لِيْ طِيَّ اَمِّمْ نَالْفَلَّجْ اَنْمَ اَدَعْلَلَا اَلَصَّ
اَمِّمْ كُيَّ اَفْ ، نَيَّرَفَنْمُ مُمْ كُنْمُ نِاْ : لَاقَ مُمْثُ يَزِيَّ مَوِيَّ هَنْمَ اَبَضَّعْ دَشَّ اَلْطَّعْ وَّمَّ يَفْ مَلَّسْ و
يَلَّصَّ اِذْ اَوْ اَجَّ اَلْاَدَوَّرِيَّ بَكُّ لَ اَوْ فَيَّ عِضَّ لْ اَمَّ هَيَّ فَنَّ اِفْ ، رَوَّجَتْ يَلَّ فَنَّ اَنْ لَبَّ اَبَّ يَلَّصَّ
. هَسَّ مَّحُّ لْ اَوْ . «ءَاشَّ اَمَّ لَّ وَطَّيَّ لَفَّ وِسَّ فَنَّ لْ

Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши:

«Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, фалончининг чўзиб юбораётгани сабабли бомдод намозига кеч чиқяпман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор бир мавъизада ўша кундагидек қаттиқ ғазабланганларини кўрмаганман. Кейин у зот:

«Орангизда (намоздан) бездирувчилар бор. Қай бирингиз одамларга намоз ўқиб берса, энгил қилсин. Чунки ораларида заифлар, кексалар ва юмушлилар бор. Қачон ўзи намоз ўқиса, хоҳлаганича чўзсин», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Имом намозга ўтар экан, қавм ичидаги энг заиф, ёши катта ва шошилиб турган кишиларнинг ҳолатини эътиборга олиши шарт. Намозни энгил ўқиш лозим. Аммо бу энгиллик намознинг амалларини чала қилиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

يَبْنِي النَّبِيَّ وَالْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ بِمَا عَصَوْا وَالَّذِينَ آمَنُوا لِيُتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُ فِيهِ الْأَلْمَامَةُ
نَأْفَافًا فَفَخُفِّي بِصَلَاةِ الْكُتُبِ عَمَّ سَيَلَّ نَكَوْنُ، مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِلُ
عَمَّ سَأْفَ لَوْ طَأْنُ دِرْأَانُ وَالصَّلَاةِ لِيَلْمُوقَالَ يِّنْإِ: «يَأْوِرِي فَوْ. هُمُ أَنْتِ فُتْ
هُ. سَمَّخَلْ هَأْوِر. هُمُ أَيْلَعُ شَأْنُ نَأْفَ هَأْرَكَ زَوْجَتِ أَفِي بِصَلَاةِ الْكُتُبِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра намози энгилроқ ва мукамалроқ бирор имомнинг орқасида намоз ўқимаганман. У зот гўдак йиғисини эшитиб қолгудек бўлсалар, онаси чалғишидан қўрқиб, намозни энгил ўқир эдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Мен намозни узун ўқимоқчи бўлиб тураман-да, кейин гўдак йиғисини эшитиб, онасига машаққат туғдириб қўйгим келмай, намозимни энгил қиламан», дейилган.

Бешовлари ривоят қилишган.

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади:

«Муъоз ибн Жабал Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқир, сўнгра қавмига келиб, уларга ўша намозни ўқиб берар эди. Уларга Бақара(сураси)ни (зам сура қилиб) ўқиб берди. Шунда бир киши (жамоатдан) ажраб чиқиб, (алоҳида ўзи) энгил намоз ўқиб олди. Муъозга бунинг (хабари) етгач:

«Албатта, у мунофиқдир», деди. Ўша (гап) ҳалиги одамга етди. Шунда у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Албатта, биз қўлларимиз билан меҳнат қиладиган ва обкаш туяларимиз билан (экинларимизни) суғорадиган

қавмиз. Муъоз кеча (кечқурун) бизларга намоз ўқиб берди. (Унда) Бақарани ўқиди. Шунда (жамоатдан) ажраб чиқдим. У мени мунофиқ деб ўйлабди», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Муъоз, сен фитначимсан?! - деб уч марта айтдилар ва унга: - «Ваш-шамси ва зуҳаҳа» ва «Саббиҳисма роббикал-аълаа» ва шуларга ўхшашларини қироат қилгин», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Бомдоддан бошқада биринчи рақъат қироатини чўзиб юбормайди.

Чунки бомдод вақтида кўпчилик ғафлатда бўлади. Кўпроқ одам жамоатга етиб олсин, деган мақсадда қироатни узун қилинади. Қолган намозларда бомдоддагига ўхшаб биринчи рақъатни иккинчисидан кўра чўзиб юбормайди. Аммо уч оятгача чўзилса, ҳечқиси йўқ.

Муқтадий бир киши бўлса, унинг ўнг тарафида туради.

Унинг оёқ бармоқларининг учлари имомнинг товони билан баробар бўлади. Агар оёқлари бир текис турса ҳам жоиз, фақат олдинга ўтиб кетмаса бўлди. Бунинг далили қуйидаги ҳадисдир:

يُصَلِّي بَيْنَ يَدَيْهِ مَأَقِفًا، وَهُوَ مُؤَمِّمٌ يَتَلَاخُ دُونَ عُنُقِ النَّبِيِّ، لَأَقَامُ هُوَ نَعْلَهُ لِيَضْرِبَ سَابِعَ نَبِيٍّ نَعْلَيْهِ نَدْحًا فَيُورِثُ سَابِعَ نَعْلَيْهِ مَأَقِفًا، لِيَضْرِبَ سَابِعَ نَبِيٍّ نَعْلَيْهِ نَدْحًا فَيُورِثُ سَابِعَ نَعْلَيْهِ مَأَقِفًا.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Холам Маймунанинг ҳузурларида тунаб қолдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси туриб, намоз ўқий бошладилар. Мен ҳам у зотнинг чап томонларида туриб намоз ўқий бошладим. У зот менинг бошимдан ушлаб, ўнг томонларига турғизиб қўйдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Биттадан кўп бўлса, орқасида туради.

Бунинг далили қуйидаги ҳадисдир:

يُصَلِّي بَيْنَ يَدَيْهِ مَأَقِفًا، وَهُوَ مُؤَمِّمٌ يَتَلَاخُ دُونَ عُنُقِ النَّبِيِّ، لَأَقَامُ هُوَ نَعْلَهُ لِيَضْرِبَ سَابِعَ نَبِيٍّ نَعْلَيْهِ نَدْحًا فَيُورِثُ سَابِعَ نَعْلَيْهِ مَأَقِفًا.

Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, биз уч киши бўлсак, биримизнинг олдинга ўтишимизни амр қилардилар».

Термизий ривоят қилган.

Демак, имомга иқтидо қилувчилар икки эркак кишидан иборат бўлсалар, имомнинг орқасида турадилар. Икки нафардан ортиқ эркак киши бўлса ҳам шундай. Агар иккитадан ортиғи орқага ўтмаса, макруҳи тахримий бўлади.

Аввал эркаклар, кейин болалар, сўнгра хунасалар ва улардан кейин аёллар саф тартадилар.

Бунинг далили қуйидаги ҳадислардир:

يَفْمَلِسُوهُ لَعَلَّ يَصُوبُ لِيَّ لَوْ لَمْ يَكُنْ بَيْنَهُمَا نَسَبٌ أَوْ عُرْبٌ
أَوْ عَرَبٌ أَوْ أَسْرَابٌ أَوْ عُرْبٌ أَوْ عَرَبٌ أَوْ عَرَبٌ أَوْ عَرَبٌ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Сулаймнинг уйида намоз ўқидилар. Мен ва бир етим бола у зотнинг орқаларида турдик. Умму Сулайм эса бизнинг орқамизда турди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

«Кифоя»

китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди